



**О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I**

2017 yil "26" 07

№ 412

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил
17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш
тўғрисида"ги 508-сонли қарори
хақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 508-сонли қарорида белгиланган топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 508-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тиббиёт олий ва ўрта махсус таълими муассасалари раҳбарлари тиббиёт олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқишга қабул қилишда тест синови натижаларининг ҳолисоналиги, ишончлилиги ва адолатлилигини таъминлансин.

3. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

В а з и р

А.Шадманов

007740 ❁